Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 13 апрель • Сешанба • № 42 (14070) تركستان ✱ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Акс садо

ЁШЛАРНИНГ ЎЗ БАЙРАМИ БЎЛСИН

8 АПРЕЛЬ 1992 ЙИЛ.

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Ёшларнинг ўз байрами бўлсин» деган таклиф муҳокама қилинганди. Муштарийларимизнинг бу таклифларини маъқулловчи шарҳ чоп этилганди. Шу билан бир қаторда бу байрамни қачон нишонлаш ва қай ном билан аташни сиз газетхонлар эътиборига ҳавола қилгандик.

Шундан кейин бу мавзуда бир қанча мактублар олдик. Улар орасида бу таклифни қўллаб-қувватлаганлар ҳам ва аксинча, эътироз билдирганлар ҳам бор.

БАҲОР — БАЙРАМЛАР ФАСЛИ

Менинг назаримда баҳор фақат байрамлар учун яралганга ўхшайди. Табиатдаги уйғониш инсонлар кайфиятига ҳам кўчадигандек туюлаверади.

Аслида ҳам шундай. Баҳор келиши билан кўнглимизда мудраб ётган ҳиссиётлар уйғонади. Вужудимизда ўзгача бир ғайрат сезамиз. Ана шундай пайтда байрам қилганга не етсин.

Таклифим — майнинг биринчи кунларида ёшлар байрами нишонлансин. Ва уни — соғлом авлод байрами, деб атайлик.

Д. ЙУЛДОШЕВА.
Фарғона.

КУНГИЛ ОҒРИРКАН

«Ёшларнинг ўз байрами бўлсин» сарлавҳаси остида берилган таклифларни ўқиб чиқдим. Балки ҳақиқатан ҳам ёшларнинг ўз байрами бўлгани маъқулдир. Байрамни қандай ном билан аташ тўғрисида ўз фикримни билдирмоқчиман. «Соғлом авлод байрами» деган таклиф менга ёқмади.

Масалан, мен II-гуруҳ ногирониман. Демак бу байрам менга тааллуқли эмас экан-да. Балки мен бу таклифнинг моҳиятини тушунмагандирман. Лекин барибир кўнглинг оғриркан. Ёш бўлганим учун байрам меники, лекин бундай ном билан аталгани учун...

Хуллас, бу байрамни оддийгина қилиб «Ёшлар байрами» деб атай қолайлик. Ахир соғларимиздан касалларимиз анчагина...

Т. АЛИЕВ.
Тошкент.

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Дунёнинг қайси бир бурчагига борманг, ҳамма ерда кўпинча ёшларнинг сайилларига, айёмларига дуч келасиз. Ўзбекистон ҳам мустақил бўлиб, ёшларининг ўз миллий байрамига эга бўлиши ҳаётий заруратдир. Чунки ҳар бир йигит ва қиз фидокорона меҳнатдан сўнг яхши дам олишни ёқтиради.

Энди байрам ўтказиш кунига келсак, менимча чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. 1-май ҳам дуруст. У Меҳнат, Тинчлик ва Ёшлик байрами сифатида ҳар биримизнинг жон-танимизга сингиб кетган. Лекин ёшлар, айниқса, битирувчи ўқувчи ва талабалар ҳар йили нишонлайдиган кун ҳам бор. У 25 июнь. Бу кун ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса яхши бўларди.

Х. РАҲИМОВ,
Ёшлар Иттифоқи котиби.
Хоразм вилояти.

Ҳунарли хор бўлмас, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ана шу жумлан калиманинг замирида инсон меҳнати билан боғлиқ бўлган ҳақиқат мужассам. Балки Гулнора ҳам ана шу таомилга амал қилиб тикувчилик касбини эгаллагандир.

Гулнора Раззоқова Паркент туманидаги «Гулбоғ» давлат хўжалигининг тикувчилик цехида меҳнат қилади. Ўз касбига меҳр қўйган Гулнора кунлик режаларини ортиғи билан уддалаб, чеварликда барча дугоналарига ўрнак кўрсатмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Гулнора Раззоқова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўтиш даври сабоқлари

Ҳар қанча хизмат қилсак оз деймиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, тақдирини ўз қўлига олган, бойликларига ўзи эгалик қиладиган, тинч, осойишта Ўзбекистоннинг фарзандларимиз. Бу — саодатимиздир. Бизни мустақил Ўзбекистон байроғи ва Сиз олиб бораётган халқпарвар сиёсат жипслаштириб турибди.

Халқимиз ва ёшларимизни йўлдан оздиришга ҳаракат қилган кимсаларга йўл бермаганингиз, ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилгани юртимизда осойишталикни сақлаб қолди. Энди ўқиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, тинч ва осойишта ҳаёт кечириш учун шароитлар вужудга келди.

Шундай бўлдики, маълум бир пайт вилоятда ёшу қари ваҳима билан яшадик. Тарқоқлик, саросима, ўзибўларчиликларнинг охири йўқдек туюлади. Кимлар ҳақиқатан ҳам халқ учун куйинишини, ёшларни яратувчиликка, бунёдкорликка етаклашини, кимлар эса халқ, Аллоҳ номидан гапириб, ёшларни кўча намойишларига, митингларга даъват этиб, осойишталикни бузишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўйди.

Заҳматларингиз туфайли турмушимизга файз қайтди, элимиз қалбига ёруғлик кирди. Байрам, тўй-томоша кўнгилга сиғадиган бўлди.

Биз ёшлар бу хизматларингизни юксак қадрлаймиз, фахр-ифтихор билан дилга жойлаймиз. Жонажон Ўзбекистонимизни жаҳонга танитдингиз. Юртбошимиз сифатида Сизнинг обрўйингиз, салоҳиятингиз тобора ортиб бораётганлиги ғуруримиздир.

Давлатимизнинг рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси, халқимиз ва ёшларимизнинг туб маслакларига жавоб берадиган Қомуси — Конституцияси бизнинг қалбимизда улуғ ва қудратли бўлган Ватан туйғусини жўш урдирмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ва бутун Марказий Осиё давлатларида ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришдаги саъй-ҳаракатларингиз наманганликлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда, вилоятимиз ҳокимлигининг қатъиятлик билан кўрсатаётган фаолияти туфайли Наманганда ҳам тинчлик ва осойишталик қарор топди. Биродаркушликка йўл қўйилмади. Ёшларимиз бунинг учун Сиздан чексиз миннатдордирлар.

Уюшган жиноятчилик ва босқинчиликка, ўғрилик ва кўпчиликнинг насибасига хиёнатга қарши Сизнинг шахсан раҳбарлигингизда амалга оширилаётган кескин чора-тадбирларни йигит-қизларимиз қизғин маъқулламоқдалар. Бундай чора-тадбирлар миқёси бундан кейин ҳам изчил давом этади, деган умиддамиз.

Ёшларни она-Ватанга, Ўзбекистон Республикаси Президентига садоқат, Ўзбекистон Қомуси, байроғи, герби ва мадҳиясига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашни энг асосий бурчимиз деб биламиз. Бу борада Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли китобларингиз биз учун дастуриамалдир. Биз ёшлар учун Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдан, унинг равнақи учун хизмат қилишдан муқаддасроқ вазифа йўқ. Бас, шундай экан; биз бутун куч-ғайратимизни ана шу мақсад йўлида, ёшларни Сизнинг теварагингизда тобора жипслаштириш учун сарфлайверамиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Сиз «Ёшлар учун қанча хизмат қилсак оз», — деб бизни улуғладингиз. Бунга жавобан биз ёшлар Сизнинг халқпарвар сиёсатингизни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қанча хизмат қилсак, ҳар қанча заҳмат чексак оз, деймиз!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ёшларга хос жўшқинлик, куч-ғайрат, шижоат тилаб, камоли эҳтиром ва чексиз ҳурмат билан

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Наманган вилоят ташкилоти анжумани қатнашчилари.

АМИР ТЕМУРГА БАҒИШЛАНДИ

«Амир Темур — маърифатпарвар инсон, адолатли давлат арбоби, тадбиркор саркарда» мавзуидаги республика илмий-назарий конференцияси икки кун давом этди. Бу катта анжуман Термиз Давлат университети, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих, Шарқшунослик институтлари томонидан ташкил этилди.

Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Назар Тўраев, Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзоси Бўрибой Аҳмедов каби йирик олимларнинг маърузалари катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман қатнашчилари Туркистон давлатига асос солган буюк инсон, дунёни лол қолдирган ҳарбий саркарда Амир Темур ҳаётини, умуман, темурийларнинг ниҳоятда бой ўтмишини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Ж. ХУШБОҚОВ.
Сурхондарё.

АЪЛОЧИЛАР СТИПЕНДИЯ ОЛАДИ

Қашқадарё вилояти Косон тумани ёшлар ташкилоти ўз жамғармасига эга бўлганидан хабарингиз бор. Туман ҳокимининг қарорига биноан барча корхона, муассаса, жамоа ва давлат хўжаликлари ўзларининг йиллик даромадларидан 0,2 фоизини жамғарма ҳисобига ўтказмоқдалар. Бу маблағлар асосан ёшларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга, турли тадбир ва кечалар ўтказиш ишларига сарф қилинаяпти. Шу йилнинг февралидан бошлаб тумандаги барча мактабнинг биттадан энг аълочи ўқувчиси жамғарма ҳисобидан 200 сўм миқдорида мунтазам стипендия билан таъминланадиган бўлди.

ҒОЛИБГА — 10 МИНГ СЎМ

Муаллимлар орасида кўрик-танловлар ўтказиш кейинги йилларда чиройли анъанага айланди. Табиийки, бундай беллашувларнинг ўқитувчи билим савиясини оширишда ҳам, демакки, таълим-тарбия сифатининг яхшиланишида ҳам фойдаси кўп.

Яқинда Пискент туманида ҳам «Ўқитувчи-93» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўн тўрт нафар муаллим иштирок этган баҳсда Ҳамза номли 1-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Мавлуда Маҳмудова ғолиб бўлди. У 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Абдуқаҳҳор Аҳмадалиев ва Мақсуда Пўлатоваларнинг бирига 8 минг сўм, бошқасига 6 минг сўм насиб этди.

Шу сонга хабар

УЙ БЕКАЛАРИ АТЛАС ТЎҚИЙДИ

Тойлоқ туманидаги «Боғизоғон» қишлоғида ташкил этилган «Дилшод» кичик корхонасида уй бекалари атлас тўқишни ўрганишмоқда. Наманганган чақирилган моҳир атлас тўқувчилар уларга мураббийлик қилишяпти. Тез кунда боғизоғонликларнинг ҳам ўз атласи пайдо бўлади.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ СОҒЛИГИ УЧУН

Ўзбекистонда ҳар минг чақалоқдан 140 таси касалманд бўлиб туғилмоқда. Ҳомиладор аёлларнинг ярмидан кўпроғи турли дардларга чалинган бўлиб, бунинг асорати гўдакларга ҳам ўтмоқда.

Шифокорларнинг Бухорода бўлиб ўтган махсус семинарида шу мисоллар айтиб берилди. Семинарда Бухоро вилояти ва Тошкент неонатологлари, педиатрлари, гинеколог-акушерлари қатнашдилар. Учрашув оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини мустаҳкамлаш масалалари ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳимлиги қайд этилди. Оилани оқилона режалаштириш соҳасидаги ишни аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиш, фарзандлар орасидаги ёшда илмий асосланган фарқ бўлишига риоя этиш лозим. Она ва боланинг соғлиғи, оиланинг бахти ана шунга боғлиқ.

ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА

Кейинги пайтларда маҳаллага эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ота-боболаримиздан қолган «Бир болага етти қўшни ота-онадир» ҳикматининг ўзи маҳалланинг куч-қудратини яққол кўрсатади. Шу боис жойларда турли хил тадбирлар, маҳалла қўмитаси раисларига ойлик ажратилиши кабилар келгуси эзгу ишларга заминдир. С. Раҳимов туманидаги Қўштут маҳалласи ҳам ана шундай ибратли маҳаллалардан. Маҳалла қўмитаси раиси Ҳожиакбар ака Зулфиддинов фаоллар билан бирга намунавий ишларни олиб боришмоқда. Улар ёрдамга муҳтож оилаларга бепул картошка, олма ва бошқа маҳсулот тарқатишмоқда. Бу ерда кичик корхоналар очиб маҳалладаги ишламай юрган йигит-қизларни жалб қилиб, маҳсулот тайёрлаш, тушган маблағни эса ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга сарфланиши мўлжалланаяпти. Боқувчисиз қолган ёлғиз қариялар, ногиронлар доимо қўмита эътиборида.

Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, дейди халқимиз. Маҳалланинг аҳиллиги, бирдамлиги яхши самаралар бермоқда. Куни кеча бу ерда «Наврўз»нинг нишонланишига бағишланган кеча ҳам маҳалла аҳлининг бирлигини мустаҳкамлашга яна бир қадам бўлди. Тўкин дастурхон атрофида улар бир-бирлари билан дилгир суҳбатлашишди.

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР САМАРАСИ

Ўзбек ва япон олимлари ўртасидаги илмий алоқаларнинг самараси ўлароқ «Жанубий Ўзбекистоннинг ўтмиши» деб номланган монографик альбом юзага келди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан Япониянинг Сока шаҳри университети мутахассислари ҳамкорликда буюк ипак йўли бўйлаб илмий экспедиция ўтказган эди. Сурхондарёдаги қадимий Далварзинтепа қалъасида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида кўпгина кўҳна маданият ёдгорликлари топилди. Альбомга ана шу ҳақдаги маълумотлар киритилган.

Нашрнинг иккинчи жилди ҳам босмага тайёрланмоқда.

«Туркистон» ва ЎзА мухбирлари.

Турар-жойни хусусийлаштириш: дастлабки якунлар ва вазифалар

Тошкентда уй-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан бошланган кўп босқичли, мураккаб тадбир ниҳоясига етди. 244.292 та квартира фуқароларнинг шахсий мулки қилиб топширилди. Бу — пойтахтдаги давлат турар-жойларининг 98 фоизини ташкил этади. Тошкент тажрибаси шуни кўрсатдики, танлаб олинган йўл фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда, уларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқларини кенгайтиришда бирдан-бир тўғри йўлдир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси орттирилган тажрибани эътиборга олиб Ўзбекистон вилоятларидаги давлат турар-жойларини хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

— Республика пойтахтида ўтказилган тажриба ҳамма умидларимизни рўёбга чиқарганини энди тўла ишонч билан айтса бўлади, — деди Ўзбекистон давлат мол-мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг ижтимоий соҳа тармоқларидаги хусусийлаштириш бўлими мудири Жўра Ражабов. — Тошкентликлар хонадонларнинг ҳақиқий эгалари бўлиб қолганликларини жуда яхши тушуниб турибдилар. Аҳолининг 56 фоизидан кўпроғи яшаб турган турар-жойини дарҳол сотиб олгани фикримизнинг яққол далилидир. Шу туфайли пойтахт бюджетига бир миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ пул тушди. Бу пул турар-жойларни сақлашга, янги уйлар қуришга ишлатилади. Яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олмасдан бўлмайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ 100 мингтадан кўпроқ квартира текинга берилди. Шу ҳуқуқни олган тоифадаги шахслар орасида Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ночор кишилар, Чернобиль атом электр станциясида ишлаган мутахассислар ва бошқалар бор. Бироқ республиканинг бошқа минтақаларида турар-жойларни давлат тасарруфидан чиқаришга ўтганда Тошкент тажрибасидан шунчаки нусха кўчириш асло ярамайди. Ҳар бир вило-

(Давоми 2-бетда).



Наманган ёшларининг анжумани

НАМАНГАНДА Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси биринчи котиби Мухторали Жўрабоев, вилоят Ёшлар Иттифоқи назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Жамила Маҳмудовалар ҳисобот маърузаларини қилишди.

Конференция делегатлари мустақил Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатни қизғин маъқулладилар ва унинг номига миннатдорчилик мактуби қабул қилдилар.

Ёшлар анжумани ишида Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Орзиматовлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Конференция вилоят қўмитаси аъзоларини ва котибият аъзоларини сайлади. Анжуманда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи сафига аъзо бўлиб кирувчи ёшнинг ариза матни тасдиқланди. Кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Конференция ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Я. Убайдуллаев, Халқ демократик партияси вилоят қўмитасининг биринчи котиби Б. Аҳадов, «Туркистон» газетаси Бош муҳаррири Ж. Раззоқов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Бўлиб ўтган биринчи ташкилий пленумда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби этиб М. Жўрабоев, иккинчи котиби этиб И. Шарофиддинов, котиблари этиб Д. Сайфиддинова ва С. Ҳамроқуловалар сайландилар.

Вилоят халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, йигит ва қизларни тарбиялашга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ёшлар етакчилари ва устозлар Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

(Наманган вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXI конференцияси ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз).

Ўзбекистон — бизга ҳам Ватан

ДЕЙИШМОҚДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯШАЁТГАН НЕМИСЛАР

Республикамиздаги осойишталик ва барқарорлик Москвадаги кўплаб «демократ» журналистларга ёқмаяпти. Энди улар Ўзбекистондаги немисларнинг аҳволидан «ташвишланиб» қолдилар.

Дафъатан янграган телефон қўнғироғи бамисоли қуёшли кунда гулдураган момақалдироқ бўлди. «Известия» газетасининг таниқли журналисти Вижутович жаноблари «Безовта қилганим учун узр» деб тилёғламалик қилгач, Ўзбекистондаги немисларнинг турмуши ва муаммолари ҳақида маълумот тайёрлаб беришимни илтимос қилди. Бу — яхши иш, деб ўйладим. Аммо суҳбатимиз давом этган сайин кўнглимда ташвишли безовталик кучая борди. Жаноб Вижутович тўғридан-тўғри: Ўзбекистондаги немислар қисувга олинаётгани тўғрисида, уларнинг кўплари бошқа юртларга бош олиб кетаётгани ҳақида, бу миллат вакилларининг авторитар-диктаторлик давлатидаги оғир қисмати тўғрисида ҳужжат кераклигини айтди. Бу илтимосни журналистнинг андишасизлиги, ҳақиқий аҳволни мутлақо билмаслигидан, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо унинг нияти бузуқлиги дарҳол сезилиб қолди.

Хўш, «Известия» газетаси бундай илтимос билан нега бир йил аввал ёки, айтайлик, уч ой илгари эмас, худди шу пайтда мурожаат этди? Муҳтарам таҳририят фош этувчи материални нечун апрель ойида тўсатдан эълон қилгиси келиб қолди? Мен бу саволларни тасодифан бераётганим йўқ. Буни қарангки, бу саволларга фақат битта жавоб топа олдим. Апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасига расмий ташриф буюради. Шу сабабли «Известия», билмадим, кимнинг ишораси билан, республика хусусида муайян «фикр» ҳосил қилишга, икки мамлакат ўртасида гуркираб ривожланаётган муносабатларга раҳна солишга азм қилибди. Бу масалада Ўзбекистондаги немислар рўкач қилинмоқчи экани мени, айниқса, ғазаблантирди. Бу ибтидоий ва разил усулдан бошқа нарса эмас! Ушбу мақолани жаноб Вижутовичга жавоб деб билаверинг.

Ўзбекистонда яшовчи қирқ минг кишилик халқ ҳақида илгари бирон бир нарса ёзиш ман қилинганди. «Байналмилал оила» деган сийқа гап барча оз сонли миллатларни қамраб олди, деб ҳисобланар эди. Собиқ шўро давлатининг аниқ мақсадни кўзлаб ўтказган бу моғорбосган сиёсати нақадар кўп зарар етказгани ҳақида гапиришнинг мавриди эмас. Бир мисол. 1970 йилги умумиттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, гўё Ўзбекистонда немислар умуман бўлмаган эмиш!

Шу сабабли тарих қаърига бироз «сафар» қилишга тўғри келади. Немисларнинг Туркистонга дастлаб кўчиши 1879 йили Волга бўйида даҳшатли қурғоқчилик ва очарчилик содир бўлганида бошланган эди. Ўшанда юзга яқин оила араваларида, пиёда дашту биёбонларни кезиб бу ерга келган. Уларнинг ортидан бу меҳнатсевар халқнинг бошқа намояндалари ҳам Ўзбекистонни ватан тутди. Тарихнинг далолат беришича, Столипин ислоҳоти даврида немисларнинг Ўрта Осиёга кўчиши оммавий тус олди. Омилкор хўжалик ходимлари учун бу ерда яхши истиқбол очилди. Бироқ аввалига биринчи жаҳон уруши, кейин октябрь инқилоби рўй берди. Аммо суронли воқеалар шу билан тугамади. Сталин қирғинбароти, иккинчи жаҳон уруши бошланди... Хуллас, эллигинчи йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда немис миллатига мансуб анчагина кишилар яшар эди, улар асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида, шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида жойлашган эди.

Немисларнинг аксарияти бу ерга ўз ихтиёри билан келмагани равшан. Аммо улар бу ерни ватан, деб билдилар, Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлиб қолдилар. Шу ўринда меҳнат армиясининг собиқ аскари, эндиликда шахсий пенсионер Александр Райсихнинг гапларини эслатиб ўтмоқчиман. «Немислар Россиядан кўра Ўзбекистонда анча яхшироқ яшаб келди. Фалакнинг гардиши билан мен бир неча меҳнат лагерларида бўлдим. Тиканли симлар орасида ишладим. «Челябинск» деб аталган шаҳарни, Қайроққум ГЭСини, Янгиер шаҳрини қуришда қатнашдим. Бироқ мен Ўзбекистонни ҳақиқий ватаним, деб билдим, деярли бутун ҳаётимни шу юрт билан боғладим. Ҳозир мураккаб давр.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШРИФИ ХАЛҚНИНГ ЁДИДА ҚОЛДИ

БУ ЖИЗЗАХДАГИ ПАЙПОҚ ТЎҚУВ ФАБРИКАСИДА ЎТАЁТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИДА БЎЛДИ

БИР НЕЧА кундирки, жиззахликлар ўзгача кўтаринки кайфият билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Деҳқонлар қадрдон далаларига барака уруғини қадамоқдалар. Саноатчилар дастгоҳлар ёнида юқори унум билан ишлашмоқда. Чорвадору соҳибкорларнинг ҳам кайфияти ҳар қачонгидан баланд. Боиси дейсизми?

Вилоятдаги жамоалардан бирига, аниқроғи, Жиззах пайпоқ тўқув фабрикасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутилмаганда ташриф буюрди. «Кутилмаганда» дейишимизнинг сабаби бор. Жумҳурият раҳбари аслида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов, Ўзбекистон Республикаси мева, сабзавот ва узумчилик саноати концернининг раиси Алишер Тошкенбоевлар ҳамроҳлигида Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига бораётган эди. Пайпоқ тўқув фабрикаси Тошкент—Жиззах йўлининг шундоққина ёнбошида эмасми. Қолаверса, корхона тўқувчиларининг бу йилги Наврўз шодиёнаси худди шу кунга тўғри келиб қолган эди. Бу ердаги тантана, карнай-сурнай садолари беихтиёр ташрифга сабаб бўлди.

— Байрам иштирокчиларининг бир кайфиятига ўн кайфият қўшилди, — дейди фабрика директори Эркин Қобулов. — Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Байрам даврасини олиб бораётган ёш шоира Сайёра Тўйчиевага дастурни ўзгартиришга тўғри келди. У табрик учун сўз навбатини Ўзбекистон Республикаси Президентига беради.

— Наврўз байрамингиз муборак бўлсин, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги оғир шароитда байрам қилишингизнинг ўзи бир олам қувонч. Мен Жиззах халқининг матонатли ва меҳнаткаш эканлигини жуда яхши биламан. Бошимизга оғир кунлар тушганда ҳам жиззахликлар тушкунликда қолмадилар. Эртанги кунга, келажакка ишонч руҳи билан яшадилар. Худога шукрки, мустақилликка эришдик. Ҳадемай, қисқа фурсатли қийинчиликлар ортда қолади. Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, буюк давлат бўлади. Иншоолло, бунга менинг ишончим комил. Сизларни ҳам ана шунга даъват этаман. Бугунги шодиёна руҳингизнинг тетиклигидан, келажакка юксак ишончингиздан далолатдир.

Наврўз барчангизнинг хонадонингизга файз, барака, шоду хуррамлик олиб кирсин.

...Шундан сўнг, ишчи ва хизматчиларнинг байрамда қатнашаётган фарзандлари қўлига гул олиб ойнаи жаҳонларда, газеталарда тез-тез кўриниб турадиган Президентнинг истиқболига пешвоз чиқишди. Қизалоқлардан бирини Ислом Каримов кўтариб олди.

Ўзбекистон Президенти ишчиларнинг муаммолари билан қизиқди. Уларни ҳал этишда қўлдан келганча ёрдамини аямаслигини айтди.

Фабрика маъмурияти ва ишчи-хизматчиларининг, йиғилганларнинг юксак мартабали меҳмонга эҳтироми, ташаккурини яна фақат давра бошловчиси изҳор этишга улгурди, холос. Чунки давлат бошлиғини вилоят миқёсидаги катта йиғин кутарди...

— Мамлакатимиз Президентининг бу қутлуғ ташрифи бизнинг ҳаракат дастуримизга катта ўзгаришлар киритди, — деди Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Эшмурод Нормаматов корхонада бўлганимизда. — Биз жорий йилнинг ўтган даври мобайнида барча кўрсаткичлар бўйича режаларимизни ортиғи билан уддалаган эдик. Энди бўлса, ўзимизга қўшимча шундай мажбуриятларни олаяпмиз: имконият даражасида иқтисод қилиб қолинган хом-ашё ҳисобидан ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун маълум миқдорда пайпоқлар ва трикотаж кийимлар ишлаб чиқарамиз. Бу буюмлар болалар муассасаларига элтиб, текинга тарқатилади.

Биргина шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида бирлашма бўйича аёллар ва эркакларнинг етти, болаларнинг эса уч турдаги пайпоқларини, шунингдек, бир қанча трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг сифатлилик ва чидамлилик даражаси ҳам олдингиларига нисбатан анча ортди.

Жиззахлик трикотажчиларнинг ўзлари эътироф этишларича, улар бундай муваффақиятлардан эсанкираб қолмайдилар. Мамлакатимиз иқтисодиётининг нафақат оёққа туришида, балки унинг тараққий этишида, юксалишида уларнинг ҳам ўз улушлари бўлади. Зеро, мустақилликнинг мустаҳкамланишига йўл ана шу сўқмоқлар орқали, аниқроғи, ҳар бир корхонанинг, жамоа ва муайян фуқаронинг иқтисодиётга қўшадиган аниқ улуши орқали ўтади. Қолаверса, жумҳурият Президентининг Наврўз ташрифи ҳам трикотажчилар кучига-куч, меҳнатига парвоз бағишламоқда.

Сувонқул РУСТАМ,
«Туркистон» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Жиззах пайпоқ тўқув фабрикасида бўлиб ўтган Наврўз тантаналарида.

Бекпўлат ТОҒАЕВ олган суратлар.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

СОБИҚ ЮГОСЛАВИЯДА тинчликка эришиш ва ўт очишни тўхтатиш соҳасидаги халқаро саъй-ҳаракатлар тинчлик ва хавфсизлик учун асосий масъулиятли бўлган ташкилот — БМТ раҳбарлигида ўтказилиши керак. Швеция ташқи ишлар вазири Маргарета аф Углас «Дагенс нохетер» газетаси саҳифасида босилган мақоласида шу фикрни айтди. Бу ўринда мажбурий тусдаги муайян чора-тадбирларни ҳам истисно этиб бўлмайди, деб уқтирди Швеция вазири.

КУБА МАЪМУРЛАРИ бутун мамлакатда кўз асаби яллиғланиши юқумли касал тариқасида тарқалишига йўл қўймаслик учун шошилинч чоралар кўрмоқда. Аҳолига бепул дори-дармонлар бериладн, фармацевтика корхоналаридан бирида мана шундай дори-дармонлар тайёрлана бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, В гуруҳига мансуб дармон дорилар етишмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмол этилиши ва тамакига ружу қилиниши сабабли шу касаллик тарқала бошлаган.

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ охирларида Филиппиннинг Исабела вилоятида ҳукумат қўшинлари билан бўлган қуролли тўқнашув вақтида ўта сўл «янги халқ армияси» жангариларидан 30 киши ўлдирилди. Ҳукумат қўшинларининг бир аскари ўлди, 9 аскари жароҳатланди. Самар оролида қўзғолончилар билан яна уч марта тўқнашув бўлди. Бу тўқнашувларнинг сабаби шуки Филиппин Компартияси мамлакатни «марксча-ленинча давлат»га айлантириш учун қуролли курашни зўр бериб давом эттирмоқда.

Мартин Борман ўлимининг тафсилоти

Парагвай Ички ишлар вазирлиги ходими Педро Прокопчук Парагвайнинг собиқ диктатори Альфредо Стресснер охранкасининг архивидан тасодифан топиб олган ҳужжат, чамаси, Мартин Борманнинг 1945 йил 1 майдан 2 майга ўтар кечаси Гитлер қароргоҳидан изсиз ғойиб бўлганлиги тўғрисидаги сирга нуқта қўйса керак. Маълумки, учинчи рейхнинг иккинчи одами сўнгги дақиқагача фюрер билан бирга бўлган: ўлимларидан бир неча муддат илгари Ева Браун билан Гитлернинг никоҳдан ўтиш маросимида гувоҳ сифатида қатнашган ҳам, янги турмуш қурган бу ғалати эр-хотинлар ўз жонларига қасд қилганларида, уларнинг кўзларини юмган ҳам худди шу Мартин Борман эди.

Нюренберг суд жараёнида Мартин Борман сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинганди. Ҳукм қоғозда қолиб кетди: шунча йиллардан бери қидирилаётган нацист жиноятчининг изи Лотин Америкосида йўқолиб кетди.

Парагвай Ички ишлар вазирлиги ташқи алоқалар бўлими бошлиғи, асли келиб чиқиши польшалик бўлган Прокопчукнинг қўли билан таҳрир этилган маълумотда 1961 йил 24 август санаси турибди. Парагвай полициясининг немислар колонияси бўйича жосуслик хизмати маълумотига асосланиб Прокопчук олий мартабали бошлиқларига шуларни хабар қилди: Мартин Борман муқим яшаб қолиш учун Парагвайга 1956 йили кўчиб келган ва Аргентина—Парагвай чегараларидан унчалик узоқ бўлмаган Гоненау немис колониясидаги Албан Крюге деган кимсанинг уйида қўним топган. Бу ерда уни немис жаллоди доктор Жофер Менгеле тез-тез йўқлаб турган. Жиноятчиларни нафақат ўтмиш хотиралари, шу билан бирга бедаво касаллик ҳам яқинлаштирган эди. Борман ошқозон ракидан азоб чекарди. Касаллик қаттиқ хуруж қилгандан кейин Борманни маҳфий тарзда Асунсьонга кўчиришди ва Парагвайнинг Германиядаги бош консули Вернер Юнгнинг уйига жойлаштиришди. Бу ерда у ўзининг сўнгги кунларини ўтказди. 1959 йилнинг 15 февралида Мартин Борман ҳаётдан кўз юмди. Уни пойтахтдан 40 километр наридаги Ита қишлоқчасидаги қабристонга ярим тунда кўмишди. Қабрда ҳеч қандай белги — на ҳоч, на ким кўмилганлиги тўғрисида маълумотнома бор. Аниқ қаерга кўмилганлиги уч кишига: қабристон қоровули, бош консул ва Парагвай армияси полковниги Алехандро фон Экстейнгагина маълум.

Шунчалар қимматбаҳо ҳужжат нима учун 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери Парагвай охранкаси архивларида чанг босиб ётган эди? Жиноятчиларга адолатли жазодан шунча йиллар мобайнида яшириниб юришга кимлар ёрдам қилганди? Бу саволларга Педро Прокопчук жавоб қилиши мумкин эди. Бироқ у анчадан бери тириклар орасида йўқ: зикр этилаётган маълумотни юқорига юборгач, орадан роппа-роса бир ой ўтгандан кейин пойтахт кинотеатрида сеанс пайтида отиб ўлдирилган. Кейинчалик маълум бўлишича, полиция амалдорига қилинган суиқасдга Асунсьон полициясининг жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўзи ҳам алоқадор экан. Шу билан тергов ишлари тўсатдан тўхтатилди.

Прокопчукнинг рапорти Парагвай рўзномаларида чоп этилиши биланоқ маҳаллий журналистлар полициячи юборган маълумотдан хабардор бўлган шахсларни қидиришга бошлашди. Маълум бўлдики, қабристон қоровули аллақачон ўлиб кетган экан. Тўғри, унинг қизи отасини 1959 йилнинг февралида кимлардир ярим тунда уйғотиб, «қандайдир немис» учун гўр қазишга олиб кетишганини яхши эслайди. Бу ғалати дафн маросими тўғрисидаги сирни отаси қизига ўлими олдидан очган, «муҳим нацист»нинг қабрини кўрсатган экан. Бош консул ҳам бандаликни бажо келтирибди. Гувоҳлардан фақат Парагвай армиясинг полковниги Алехандро фон Экстейнгина тирик экан. Истеъфодаги зобитлар клубига ҳануз бориб туради. Уни сўнгги бор бу ерда Прокопчукнинг маълумоти тўғрисидаги мақола газеталарда чоп этилган куни кўришган.

Шундай қилиб, полиция амалдори Педро Прокопчукнинг маълумоти билан 30 йилдан кейин ниҳоят маҳаллий ҳукумат шуғулланишга киришди. Парагвай судьяси қабрни очиб текшириш тўғрисида фармойиш берди.

С. ЗАВОРОТНИЙ.
Буэнас-Айрес.
(«Комосмлоьская правда»дан олинди).

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ГЕРМАНИЯ** ҳукумати иккинчи жаҳон уруши йилларида СС қисмларида хизмат қилган латишларга нафақа тўлайдиган бўлди.

● **ЛАТВИЯНИНГ** миллий пули — лат муомалага чиқарилганда у 200 рублга тенг, деб айтилган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Аммо рублнинг қадрсизланиши туфайли бугунга келиб, бир доллар 0,75 латга тенг бўлиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, бир латни эндиликда камида 1000 рублга айирбошлаш мумкин.

● **РОССИЯНИНГ** Киров вилояти қишлоқларидан бирида яшовчи Григорий Русских деган кимса ўзига автомобиль ясаб олди. Машина шунчалар пухта эканки, маҳаллий давлат автомобиль назорати синчиклаб кўрикдан ўтказгач, уни янги транспорт воситаси сифатида рўйхатга олди.

● **МЕХИКОДА** мажлис ўтказган Маркетинг миллий институтининг халқаро комитети «Целиноградсельмаш» заводини ўзининг олий совриниброриллиант юлдуз билан мукофотлади.

● **МОЛДОВА** ҳукумати тасдиқлаган узумчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасида узум, вино ва ток кўчати етиштириш ҳамда сотиш масалаларини, токзорларни тартибга солиш ва ҳисобга олиш қоидаларини ҳал этиб беришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. РАТА—ТАСС мухбирининг Кишиневдан хабар қилишича, кейинги йилларда жамоат хўжалигидаги токзорлар анча қисқариб, 170 минг гектардан ҳам камайиб кетди.

Ўзбекистон— бизга ҳам Ватан

(Боши 1-бетда)

Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги немислар ўз муаммолари ҳақида рўй-рост гапиришлари ва уларни ҳал қилишлари мумкин...»

Ҳозир немислар республика халқ хўжалигининг қарийб барча соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Ҳисоб-китобларга қараганда уларнинг моддий ишлаб-чиқариш соҳасидаги иштироки оз сонли миллатлар орасида энг юқоридир. Бас, шундай экан, қандайдир камситиш, қисувға олиш ҳақида гапириш ўтакетган одобсизликдир. Мен тиббиёт фанлари номзодиман, бутун умримни илмий ишга бағишладим, ўзбек тилини яхши биламан, Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятини ардоқлайман. Кўпгина немислар республиканинг равнақига катта ҳисса қўшдилар. Улар орасида фан докторлари, йирик корхоналарнинг раҳбарлари бор. Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам жуда машҳур бўлган баъзи кишиларнинг номларини айтиб ўтмоқчиман. Тиббиёт фанлари доктори профессор Геннадий Геммельфарб, биофизик, профессор Альберт Гагельганс, «Компрессор» заводининг бош директори Владимир Фрошгейзер шулар жумласига киради. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон немисларининг «Видергебурт» маданият жамиятининг фаол аъзоларидир.

«Видергебурт» жамияти бошқарувининг яна бир аъзоси, руҳоний Константин Гренцнинг фикрига қулоқ беринг: «Мен Тошкентда уч йилдан бери яшаяпман. Ҳеч муболағасиз бу шаҳарнинг бетакрор руҳи, ўзига хос шакл-шамойили бор. Байналмилаллик унинг энг яхши хислатидир. Мен ўз ваъзларимда Президент Каримовни доимо дуо қиламан, у вазмин ва доно сиёсат ўтказувчи улуғ раҳбардир. Қадимий Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, аввало, унинг хизматидир. Мен қавмларга доимо бир гапни айтаман: сабр қилинглар, бошингизни оғритманглар, ўрганиб қолган жойингизни тарк этманглар. Бу ер — сизнинг ватанингиз, унинг келажаги буюк, дейман. Уларга бир мисолни айтиб бераман. Ғазалкентдан Германияга кетган бир кишидан яқинда хат олдим. У мармар конида ишлар, мўъжазгина уйи, серҳосил токзори бор эди, булар билан фахрланарди. Аммо бировларнинг гапига кириб кетиб қолди. У бундай деб ёзибди: «Мен Ўзбекистонни, жонажон Ғазалкентни ҳеч унута олмайман. Бу ерда — бегонаман. Бундан кейин қандай яшашимни билмайман...». Бу гапга нима деса бўлади?.. Албатта, муаммолар кўп. Аммо одамлар менинг ваъзларимни эшитиб таскин топмоқда.

Ҳа, такрор айтаман — немис миллатини тиклаш учун кўп иш қилинди. Аммо муаммолар ҳам анчагина. Ўзбекистон немисларининг қарийб етмиш фоизи она тилини билмайди. Тобора бошқа миллатлар билан қоришиб кетмоқда. Баъзилар Германияга кўчмоқда. Аммо барча немислар Ўзбекистонни тарк этади, деб ҳисоблаш соддадилликдир. Бу ерлик немисларнинг кўплари учун Ўзбекистон она ватан бўлиб қолган ва улар шу ватанга содиқ бўладилар. Бу соҳада немисларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам беришга оид махсус Ўзбекистон — Германия давлатлараро дастури ишлаб чиқилса, соз бўлур эди. Чунки Германия ҳукумати бизни икки мустақил давлатни боғловчи ишончли кўприк деб ҳисобламоқда. Шу кўприкдаги «қатнов» эса кун сайин жадаллашмоқда. Ҳозир Германия Ўзбекистоннинг Овруподаги энг катта ҳамкоридир. Бизда қирқтага яқин йирик қўшма корхона ишлаб турибди. Улар тобора кўпайиб бориши шубҳасиз. Бу эса назаримда, Ўзбекистон немислари фаровонлигининг умидбахш кафолатидир.

Кичик бир мақолада Ўзбекистонда яшовчи ўн минглаб немисларнинг турмушини тасвирлаб беришнинг иложи йўқ. Бизнинг мураккаб давримизда улар ҳам республикадаги ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, бошқа ҳамма миллат намояндалари каби қийинчилик кўрмоқдалар. Шу сабабли жаноб Вижутович кабиларнинг «ҳақиқатни очиш»га уринишлари фойда эмас, фақат зиён етказади. Юртимизда вужудга келаётган муаммоларни ўзимиз бартараф этишимизга имкон беринг. Яхшиси, Россия немисларига эътиборни қаратинг, уларнинг ҳал этилмаган муаммолари бошларидан ошиб ётибди.

Хуллас, Президент Каримовнинг Германияга қиладиган ташрифи аҳамиятини пасайтириш, унинг муваффақиятли ўтишига халал етказиш учун сохта демократлар қанчалик уринишмасин, уларга айтадиган гапимиз шуки, ҳамма уринишларингиз беҳуда. Икки мамлакат шубҳали сиёсий воситачиларга муҳтож эмас. Буни уқиб оладиган пайт аллақачон келган.

Теодор ЕКЕЛЬ,
Ўзбекистон немислари Тошкент «Видергебурт» маданият марказининг раиси.

ТУРАР-ЖОЙНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда).

ятнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу хусусиятлар биринчи галда ҳисобга олиниши керак.

Боя мен деярли барча тошкентликлар квартиранинг мулкдори бўлиб қолиш иштиёқини билдирганликларини айтдим. Аммо икки фоиз аҳоли ҳали ариза бергани йўқ. Хўш, улар ким? Бу ёғи нима бўлади? — деган савол туғилиши мумкин.

Улар яшаб турган уйларини сотиб олишга қурби етмайдиган кекса, ёлғиз кишилардир. Шу сабабли уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайди. Уларнинг квартиралари маҳаллий турар-жой ҳисобига ўтказиб қўяқолинади. Хуллас, улар асло камситилмайди. Дарвоқе, Тошкент тажрибасига МДҲнинг бошқа мустақил республикаларидаги хусусийлаштириш идоралари жуда қизиқиб қолишди. Чамаси Марказий Осиёдаги бир қанча давлатлардагина эмас, анча олис минтақалардаги давлатларда ҳам бу тажрибадан фойдаланмоқчи бўлиб туришибди. Мутахассисларнинг тажрибага бу қадар қизиқаётганининг боиси нима? Бунинг боиси Тошкент тажрибасининг халқчиллиги ва ижтимоий соҳага қаратилганлигидир.

Бироқ, Тошкент тажрибасининг ҳамма ижобий жиҳатларига қарамай, унинг салбий жиҳатлари ҳам сезилиб қолди. Хусусан, турар-жойлар ҳамиша ҳам холисона баҳолангани йўқ, ҳужжатларни расмийлаштиришда сан-салорликка йўл қўйилди, уларни расмийлаштириш ҳақи хилма-хил бўлишига йўл қўйилди, уй дафтарларини бериш ва қайд этиш воситаси пухта ишлаб чиқилмаган эди...

Биз кўп ишларда ҳокимликлар билан биргаликда синаб кўриш ва хатоларни тузатиш йўлидан бордик. Тадбирни амалга ошириш жараёнида кўпгина хатоларнинг олди олинди. Тажриба йўқлиги, малакали мутахассислар камлиги, қуйи бўғинларнинг ижрочилик маҳорати заифлиги сезилиб қолди. Биз бутун республикада турар-жойларни хусусийлаштиришга киришганда мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга оламиз. Аммо ҳар жойнинг ўзига қараб иш тутамиз. Масалан, Навоий учун мақбул бўлган усул Наманган ёки Катта Қўрғонда иш бермаслиги мумкин.

Хўш, вилоятларда турар-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш қандай ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бу саволга жавоб берилган. Амалий йўсинда унинг асосий қоидаларини эслатиб ўтамиз. Бу муҳим ҳужжатда хусусийлаштиришни ўтказувчи аниқ масъул ташкилотларни белгилаб қўйиш кўзда тутилган. Бу соҳада ҳам ҳокимликлар, Уй-жой ва коммунал хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг бўлимлари, Давлат мол-мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг жойлардаги бошқармалари қатнашадилар. Бу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасидаги ҳамма ишни зиммасига оладиган хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузиш зарур, деб топилди. Одамлар уй-жойни хусусийлаштириш учун навбатларда туриб қимматли вақтларини ўтказмасликлари ва пул сарфламасликлари керак. Тошкент тажрибасини ҳисобга олиб, жойлардаги идораларга бу жуда муҳим ишга мутахассисларни жалб қилиш тавсия этилди. Ҳозир кўпгина малакали муҳандислар, ҳисобчилар, иқтисодчилар ишсиз қолгани сир эмас. Бу ишда уларнинг тажрибасидан фойдаланиш керак.

...Хуллас, республика турар-жойларни ёппасига хусусийлаштиришга киришмоқда. Бошланаётган тадбирнинг ўзига хос хусусияти шуки, тайёргарлик даврига, айниқса, маълумотлар хазинасини тузиш борасида ижрочилар учун қатъий жадваллар тузиб қўйилди. Бу соҳада кампаниячиликка ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам режани бажаришга киришиш ярамайди, деб ҳисоблайди давлат мол-мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасидагилар. Аммо шу заҳотиёқ яна бир нозик масала пайдо бўлди: 1993 йилда бутун республикада турар-жойларни олиш ва сотиш тақиқлаб қўйилган эмиш, шу гап ростми?

— Бу гап унчалик тўғри эмас, — деди Ж. Ражабов. — Бу — Ўзбекистон Республикасида турар-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилингунга қадар жорий этилган вақтинчалик чорадир. Қонун лойиҳаси Олий Кенгаш комиссияси томонидан кўриб чиқилди. У навбатдаги сессияда халқ ноиблари муҳокамасига қўйилади. Ҳозирча Тошкентда квартира сотадиган биринчи биржа ташкил қилинди. Тажриба тариқасида ўтказилган савдо биржанинг ҳаётийлигини кўрсатди. Бундан ташқари биржа ҳузурида савдо билан шуғулланмайдиган бўлим тузилди. Бу бўлим нима билан шуғулланади? Масалан, квартира эгаси мустақил равишда харидор топган. Бу ҳолда у биржага мурожаат қилиши шарт эмас. Аммо қоғозлар шу бўлим орқали расмийлаштирилиши керак. Бу тадбир чайқовчиликнинг олдини олади, квартиралар орқали найрангбозлик қилиб пул топадиган турли муттаҳамларга йўл бермайди.

Қисқаси, келгуси йилнинг охиригача республикада яшовчи ҳар бир киши яшаб турган квартирасининг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб қолади!

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ВЕЛОСИПЕДДА ДУНЁ БЎЙЛАБ

● ДУНЁНИ машинада, велосипедда ёки отда кезиб чиқаётганлар тўғрисида кўп ўқиганмиз ва эшитганмиз. Мазкур хабарни ҳам ўшалар қаторига қўшса бўлади, бироқ... алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Чунки бу саёҳат жасоратдан ўзга нарса эмас.

Канадалик Бенуа Хавард бундан бир ярим йил аввал велосипедда дунё кезишга отланган. Саёҳатини эса Монреал шаҳридан бошлаган. Океандан самолётда ўтиб, Парижга келди ва у ердан Оврупони «ишғол» этишга киришди. Швейцария, Голландия, Бельгиядан ўтди. Ҳозир у Россияда. Россиянинг ҳам бир қанча шаҳарларида, жумладан, Санкт-Петербургда, Москва, Қозон, Қуйи Новгород, Ижевск, Перм, Екатеринбургда бўлишга улгурди. Ҳали олдинда Новосибирск, Ёкутистон, Анадир, Аляска, Ванкувер, ва Монреал йўллари турибди.

Юқорида бу саёҳатни жасорат дедик. Сабаб: 25 ёшли Бенуа Хавард аввал ўн йил давомида кўрпага «михланган» одам эди. Ўрнидан қўзғалолмасди, ногирон эди. Дўхтирларнинг уч марта операциясидан сўнггина оёққа турди. Ўшанда шифокорлар унга спорт билан айниқса, велосипедда кўпроқ сайр қилишни маслаҳат беришганди. Мана энди Бенуа ўз соғлиғини батамом тиклаб олди. Бундан ташқари уни энди бутун дунё танимоқда.

Дарвоқе, у ити билан бирга дунё кезмоқда.

УЗУН БЎЙЛИЛАРДА ҲИКМАТ КЎП ЭКАН

● ЯҚИНДА бўлиб ўтган АҚШ кардиологларининг симпозиумида Гарвард тиббиёт колледжи ўқитувчиси Патриция Херберд қатнашчиларни ўз илмий ишлари натижаси билан таништирди. Шифокор 40 ва 85 ёшлар ўртасидаги 20 минг эркак кишини текширувдан ўтказганда узун бўйли одамларнинг юрак касаллиги билан кам хасталаниши аниқланган (Биз узун бўйлилар деб бўйи 1 метру 85 сантиметрдан юқориларни айтаяпмиз), дея хабар беради «Осиё» ҳафтаномаси.

Туркий муштараклик йўлида

Туркиянинг Анқара шаҳрида уч кун мобайнида Туркий жумҳуриятлар таълим-тарбия тизимида муштарак бўлган туркий халқлар тарихи ва адабиётига оид дастур ва у асосда китоб яратиш бўйича маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Шу масалага оид дастлабки йиғилишлар 1992 йилнинг майида Анқарада, сентябрь-октябрь ойларида Бишкекда, ноябрь-декабрь ойларида Истанбулда бўлиб ўтганди. Дастлабки йиғинларда «Муштарак Туркий халқлар тарихи ва адабиёти»га оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда шу йўналишдаги дастур ва у асосда китоб яратиш бўйича тавсиялар берилган эди.

Анқарадаги бу учрашув ҳам юқоридагиларнинг давоми ўлароқ, дастлабки йиғинларда ишлаб чиқарилган лойиҳалар асосида икки шўъбада иш олиб борди. Биринчиси, «Муштарак туркий адабиёт», иккинчиси, «Муштарак туркий халқлар тарихи».

«Муштарак туркий адабиёт» шўъбасида адабиёт бўйича дастур ва у асосдаги китобнинг дастлабки муқобилларини, келажакда «Туркий адабиёт энциклопедияси», «Туркий дунё наср ва шеърият антологияси ,ва энциклопедияси»ни яратиш, «Турклик дунёси туркчилик тадқиқотлари академияси»ни ташкил этиш бўйича тавсия кўринишдаги қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, 1993 йил май ойида Бокуда бўладиган туркий жумҳуриятлар Халқ таълими вазирлари йиғинига таклифлар, 1993 йилнинг Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилиниши муносабати билан Қозоғистонда илмий конференция ўтказиш, 1995 йилни Манас йили деб эълон қилиш ва унга тайёргарлик кўриш, «Муштарак туркий адабиёт» дастурини 1993 йил сентябригача қадар китоб ҳолида чоп этиш, бу масала бўйича ҳар бир жумҳуриятда мутахассислардан иборат комиссия тузиш, бўлажак учрашувларнинг муддатини белгилаб олиш каби масалаларда ҳам ўзаро келишиб олинди.

«Тарих» шўъбасида ҳам «Адабиёт» шўъбасида бўлгани каби турли хил қарорлар қабул қилинди.

Бир дарёнинг ирмоқлари

Мазкур маслаҳат кенгашида Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон жумҳуриятларидан вакиллар қатнашди. Ўзбекистондан жумҳурият Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовлар иштирок этишди.

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
«Туркистон»нинг жамоатчи мухбири.
Анқара.

«МУНОЖОТ» — Алишер Навоий ҳазратларининг умрлари охирларида битилган энг сўнгги битикларидан биридир. «Мунoжот» — Аллоҳдан нажот тилаб, илтижо қилмоқ дегани. Улуғ бобомиз ўзларининг тавба-тазарру баёнидан иборат бўлмиш бу асарларида ўз фарзандлари — сизу-бизга кўп ва хўб ибратли мулоҳазаларини билдириб кетмишлар.

Бу асар ҳақида кўп эшитардик. Ҳеч қаерда босилмаган, ҳисобли одамларгина ўқиганлиги ҳақида ҳам гапиришарди. Ниҳоят, 1991 йили «Шарқ» нашриётида «Мунoжот» олти тилда чоп этилди ҳам. Лекин китоб жуда кам (бор йўғи минг) нусхада босилгани учун халқимизнинг кўпчилик қисми уни ўқий олмагани рост. Шул боис асарнинг тўла матнини газетамизда чоп этмоқни лозим топдик.

МУНОЖОТ

Алишер **НАВОИЙ**

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим.

ҚУТЛУҒ исминг улуғ, марҳаматлик ва меҳрибонлигинг таъзимга вожиб. Исм сенинг исминг, марҳаматлилик ва меҳрибонлигинг сенинг улушинг. Сени ганж ва яратилиш — тилсиминг. Исминг гўзал исмлар сифатининг жамъи, раҳмонлик ва раҳимлилигингга юз минг шукр ва мақтовлар. Раҳим ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен. Аллоҳга мақтовлар бўлгай, не улуғлик ва буюкликким, сендан ўзгага яратилиш нисбати бўҳтон ва туҳматдир. Зотинг абадий рост, вужудинг мангу пайдо бўлган. Сендан ўзга мавжуд кўринганлар номавжудлик кўринишидир. Балки мутлақо йўқликдир. Вужуд ва мавжуддан мақсад — сен. Шонинг, олий эҳсонинг умумий. Ўзингдан ўзга Маъбуд (Илоҳ—С. Ғ.) йўқдир, эй дўст ва мутлақо мавжуд зот.

ҲАМД. Илоҳи, улуғлик ва буюклик сенинг шонингдадир, подшоҳлик ва фаришталар олами сенинг ҳукм ҳамда фармонингдадир. Азалийлигингга ибтидо (бошланиш—С. Ғ.) йўқ ва абадийлигингга ниҳоят йўқ. Даҳр (олам—С. Ғ.) гулшанида ҳар гиёҳ ва ҳар япроқ сенинг мадҳингни айтади ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарф ва ҳар варақ сенинг неъматингга шукр қилади. Жамолинг бўстонида саккиз жаннат бир ёқимли райҳон каби ва қудратинг зиндонида етти дўзах бир жон қайновчи ўтли шамол кабидир. Ҳашаматинг саройида бир зарра—нурли қуёш ва санъатинг суратхонасида осмон бир лавҳагинадир. Агар юзлаб оламни пайдо этай десанг «Бўл, деса бўлади» ибораси етарли ва минглаб нарсаларни йўқ қилай десанг «тўзиган чанг» ишорати басдир. Ягоналик сифатида сен шерик ва вазирдан озод ва ёлғизлик сийратида ота ва боладан холи. Илминг дарёсида ҳар гавҳар юлдузлар дурридан покроқ, мулкинг шаҳрида ҳар лола қуёш машъалидан оташнокроқ. Тенгсизлигингга «Унга ўхшаш бирор нарса йўқ» (ибораси) чин гувоҳ, бепайвандлигингга «туғмаган ва туғилмаган ҳам» ибораси мувофиқ далилдир. Ҳар нарсага ташбеҳ қилинса, ўхшамассан, яхши қаралса, ул сендур ва сен ул эмассен. Сени мадҳ этишда сўзловчилар тили қусурли, мақтовингда нотиқлар мажолсизликдан ҳайратда. Бу бобда «Сенинг мақтовингни айтиб тугата олмаймиз» дейилганидек, ҳар қанча сўзамоллар ҳамдам ура олмаса узрлидир.

ПАЙҒАМБАР мадҳида

«Одам (Ато) сув билан тупроқ таркибида ётган давридаёқ мен (Муҳаммад) пайғамбар эдим» мантиқи билан набилар пешқадами, уларнинг охиргиси ва кенжасидир. Аллоҳнинг дўсти, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси, унга Аллоҳнинг саломи (бўлғай). Юз йигирма минг элчи пайғамбарнинг яратилишидан мақсад — ул ва яратилиш унга сабаб. Пайғамбарлик тахтида бахтли бош устидаги тож, пайғамбар ва элчилар орасида соҳибмеърож (яъни кўкка кўтарилишга эришган — С. Ғ.), аввалдан охирга қадар (барча) ҳолларда ҳамма унинг шарофатига муҳтож Иноятли Буроқ — унинг баланд, йўрғали оти ва тўғри йўл кўрсатувчи Жаброил унинг яшиндек тезюрар хабарчиси. Меърож туни — унинг кечки ётоғи ва «вақтдаги юксаклиги» — унинг мақоми. «Аллоҳнинг салом ва раҳматлари ул зотга, пок оила аъзоларига ва тоза саҳобаларига бўлсин».

МУНОЖОТ. Илоҳи, сен ҳимматлилар ҳимматлиси ва мен — гуноҳкор.

Илоҳи, раҳимлилар раҳимлиси сен ва мен қора кунга қолган.

Илоҳи, агарчи қаттиқ айбдорликдан бошқа ишим йўқ, аммо сендан ўзга ҳам кишим йўқ.

Илоҳи, йўқ эдим, бор этдинг, бола эдим, улуғлар мартабасига еткардинг, аммо нафсу-ҳаво елидан тоат-ибодатим ниҳолини синдирдинг ва сиҳҳатим гуруҳини гуноҳ сипоҳлари ҳужумидан тарқаттинг.

Илоҳи, ёмон феълимдан паришонлигим кўпдир ва шум нафсимдан пушаймонлигим йўқдир, бундай балодан қутулишга умидим сендан аниқдир.

Илоҳи, ўзлик ёмонлигидан ўзлигим билан ўта олмайман ва яхшиларинг этагини ёмонлигим уятидан тута олмайман.

Илоҳи, йиллар ибодат қилганни рад этсанг, ҳеч ким аралаша олмас ва асрлар исён қилганни қабул қилсанг ҳеч киши ҳикматини била олмас.

Илоҳи, Одам (Ато) халифалик тахтига ўзи муносиб бўлдими, сенинг тақдиринг бўлмай, шайтон терслигининг сўзими бўлди?

Илоҳи, фисқ ва фужурни ҳам, зуҳд ва тақвони ҳам бергувчи сен, бир неча ожизни улар туҳмати билан боғламоқлик недир?

Илоҳи, иноятингга умидворманки, гуноҳим беҳаддир, раҳматингга сазоворманки, хато ва камчиликларим беҳисобдир.

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилса, сенга юзлангайман ва агар сен рад қилсанг неткайман ва кимга кетгайман?!

Илоҳи, сенинг йўлингда тупроқ йўлиқса тўтиёдир ва кесак етишса кимиёдир, сендан бошқа қизил олтин қора тупроқдек беқадру камбаҳодир.

Илоҳи, ёмонлигимдан гарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг не ғамим бор.

Илоҳи, бойликка мойиллик ипларини кўнглимдан уз ва нафсоният қоронғилигида тўғрилик шамъи билан ўзинг сари йўл кўргуз.

Илоҳи, у узун йўл ва машаққатли водийида иноятинг билан йўлла ва уни босиб ўтишда оёғим тойилса, мададинг билан қўлла.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни атрофимга йўлатма, агар у ёв яқинлашса, ибодатимдан не қолғай, иноятингни кам қилма.

Илоҳи, тақво бергилки, алдовчи нафс унга мағлуб бўлсин, парҳезкорлик насиб этгилки, нобакор шайтон боши унинг остида бўлсин.

Илоҳи, ғафлат уйқусидаман, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидаман, ҳушёр қил.

Илоҳи, у бедорликни огоҳликка еткур ва бу ҳушёрликни хатосизликка улантур.

Илоҳи, ҳийлакор шайтон менга душмандир ва ўзбошимча нафс иш буюргувчидир, бу гирдобларда сен мададкор бўлмасанг вой менга.

Илоҳи, агар хислатим эгридир, ниятим тўғридир. Бу жиҳатдан агар қўрқинчим бордир, аммо умидим бирга юздир.

Илоҳи, феъл-атворимга қарасам уят ўлдирур ва сенинг марҳаматингни ўйласам, умид танамга жон киритур.

Илоҳи, сендан ёмонлик келмас ва мендан — яхшилик, сен яхшисан ва мен — ёмон, ҳар кимнинг ўзига яраша қилиғи бор. Тиканнинг иши санчилмоқ учун уни куйдирмоқ муносибдир. Баҳор файзига кўра гул унга мусоҳибдир.

Илоҳи, тупроқдан эл кўзига қоронғулик етар ва қуёш (ўз) нури билан олам аҳли кўзини равшан этар.

Илоҳи, ҳар неки қилинса, сенинг тақдирингдир, қилгувчига қилмоққа не тадбирдир

Илоҳи, тақдир қилганинг беихтиёр бажарилади, қилмасман демакка кимнинг ҳадди бор?

Илоҳи, агарчи адашибман, аммо тўғри йўл кўрсатишингга талабкорман, агарчи дўзах ўтига тушибман, аммо раҳматингдан умидворман.

Илоҳи, сен мадад қилмасанг, асо нимаю, итнинг думи нима ва сен пардапўш бўлмасанг, ридо (дарвешларнинг устки кийими — С. Ғ.) нимаю, эшак ёпинчиғи нима.

Илоҳи, тоатингга ҳавасим бор, аммо нафсга мағлубман, ибодатингга илтимосим бор, аммо ишқ ва девоналикка гирифторман.

Илоҳи, беҳуда ишлар майидан мастман, ғурур ва риё жомидан майпарастман, булар билан шайтонга қўлдошман.

Илоҳи, парichеҳраларга мени девона қилдинг ва шамърухсорларга кўнглимни парвона қилдинг, бу сабаблардан расволиғ билан оламга афсона қилдинг.

Илоҳи, неча занжирдек зулфлар савдосидан бўйнимда занжир бўлғай, неча хушбўй хол хаёлидан кўнглим асир (бўлғай). Сен бу хил тақдир қилган эсанг, менга не тадбир?

Илоҳи, кўнглим мамлакати қора киприклар сафи ҳужумидан вайрондир ва сабрим уйи гулрангюзлилар терлари селидан қулаб тушгандир.

Илоҳи, ҳар оташин лаъл менинг ўт тушган жонимдан бир кўринишдир ва ҳар сероб ғунчада менинг кўп пайконли кўнглим шакли намоёндир. Бу офатларнинг иложи сенга осондир ва менга қийин.

Илоҳи, шўх гўзалларга ўгрилганда ҳар ён ошиқиш пайдо қиласан ва уларнинг ҳар ён ошиқишидан менинг шайдо кўнглимга ҳар дам изтироб соласан.

Илоҳи, уларга бу ошиқишдан тўхташ йўқ ва менга бу изтиробда ихтиёр йўқ, уларнинг дилраболиги ҳам сендан ва шайдо кўнгилнинг мубталолиги ҳам сендан.

Илоҳи, биров ҳуснига малоҳат берурсан ва унинг тузини менинг кўнглим жароҳатига сепурсан.

Илоҳи, биров киприкларини заҳрли этарсан ва унинг учини менинг яралик бағримга санчарсан.

Илоҳи, шамъ ҳусни безанмаги ҳам сендан ва парвона жони ўртанмаги ҳам сендан.

Илоҳи, гул юзига ёқимлилик ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зорига куйинишни ҳам сен бердинг. Агар қайси гулюзли шамъ ишқи ўтини кўнглимга солдинг, парвона ва булбулдек сабру қароримни олдинг.

Илоҳи, агар ишқ азобларидан базм туздим ва май сели офатидан тақво ва зуҳдим уйин буздим. У қандайин май ичмаклик ва қадаҳ тутмаклик эдиким, қадаҳ-қадаҳ қон ютмаклик эди.

Илоҳи, ҳажр қийноғидан (кўнглимга) доғлар босдим, дини ислом экинзорида хирмонлар куйдирдим.

Илоҳи, ҳар доғ қоралиғидан сиҳҳатим юзини қаро қилдим ва унинг дудидан имоним рўзғорини қаро қилдим.

Илоҳи, агар ҳавасдан бошоёқ яланг ҳар ён югурдим, бошдан оёғим ёмон эканини халойиққа билдирдим.

Илоҳи, агар шавқ телбалигида кўксимга тош урдим, у тош билан ор-номусим шишасини синдирдим.

Илоҳи, гоҳо бу жуннундан балолар тошини бошимга ёғдирдим, гоҳо дўстлар маломати найзасини кўнглимга етказдим.

Илоҳи, қайси исён қоронғилиғи биланким, сиҳҳатим юзи қораймади, қайси ҳақсизлик азобиким, мен қаро юзликка юзланмади.

Илоҳи, йигитлигим бу навъ қаттиқ ва аччиқ ўтди, қарилиғда юз марта ўзимни ўлдирсам не фойда.

Илоҳи, энди барчадан кечмоқни хаёл қилурман, (лекин) ўзлигимдан кеча олмайман, аниқ билурман.

Илоҳи, модомики, бу балоларга солдинг, қутқар ва модомики, бу мубталоликларга киритдинг, чиқар.

Илоҳи, мен банда тавба қилдим, десам не фойда, сен тавба бергилки, ҳам тавба қабул қилувчисан, ҳам (сиғиниладиган) Аллоҳсан.

Илоҳи, эл адо этмагунча намоз қилмаганим — мақтанчоқликдир, ўша намоз учун (кийилган) жанда ва ридо — ўзига оро беришликдир.

Илоҳи, шундай намойишу оройишдан кўнглимни пок қилғил ва бу хил шайтон либосидан жисмимни холи этгил.

Илоҳи, тоатга тавфиқ берсанг, алдовдан асра ва ибодатга йўл кўрсатсанг, хатодан асра.

Илоҳи, тоатки шуҳратпарастликка келтирса, кўнглимга яқинлаштирма, гуноҳки узрга еткурса, тилимдан узоқ тутма.

Илоҳи, иложсиз дардга чалинтирма, мурувватсиз номардга ҳор қилма.

Илоҳи, беасларга хорликдан асра, бедиёнатлар тухматидан сақла.

Илоҳи, жоҳил суҳбатига банд қилма ва разиллар ҳашаматига ҳожатманд этма.

Илоҳи, ношукрлар мулойиматидан йироқ тут ва ҳақшунослар хиралигидан нари қил.

Илоҳи, кўнглимни дарду шавқинг муҳаббати билан овут ва кўзимни пушаймонлик ёшлари билан равшан қил.

Илоҳи, тилимни бекиёс неъматингни зикр қилувчи айла ва кўнглимни ҳамду мақтовингга шукр қилувчи айла.

Илоҳи, қаламим ҳамдингни ёзишга машғул ва ёзганларим халойиқ кўнглига мақбул бўлғай.

Илоҳи, замиримга такаббурликни яқинлаштирма ва хотиримни элга фойдали (ишлардан) айб ахтаришга йўлатма.

Илоҳи, подшоҳи ислом (яъни, Ҳусайн Бойқаро — С. Ғ.)-ни ҳам ҳамиша мусулмонлар бошида тутгил, яъни кўлангни бандаларинг устига доимий қилгил, то шоҳу гадога дуогўйлик қилайин, вассалом...

Матнни ҳозирги замон ўзбек тилига Суйима ҒАНИЕВА ўгирган.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **БУНДАН** ўттиз икки йил муқаддам фазо қўйнига биринчи бўлиб парвоз қилган рус космонавти Юрий Гагарин ҳаёт бўлганда келгуси йили 60 ёшга тўлган бўларди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО 1994 йилни Гагарин йили, деб эълон қилди.

● **ТОЖИКИСТОН** Олий Кенгаши раисининг матбуот шўъбасидан бугун мухбирларга хабар қилишларича, собиқ президент Раҳмон Набиев ўтган шанба куни Хўжандда 63 ёшида миокард инфарктдан вафот этди. Тожик халқи собиқ президент билан видолашмоқда. Дафн маросимида қатнашиш учун республика Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов бошчилигидаги давлат-ҳукумат делегацияси бугун эрталаб Душанбедан Хўжандга жўнаб кетди.

● **ИСЛОМ** конференцияси ташкилотининг (ИКТ) бош котиби Ҳамид Алғабид якшанба куни Ливия пойтахти Триполига келди. У маълум «Локерби иши» сабабли Ливия пойтахти жамаҳирияси билан бир қанча ғарб мамлакатлари ўртасида давом этаётган можаро хусусида Ливия раҳбарлари билан музокара ўтказади.

● **АҚШ** Давлат котиби Уоррен Кристофер ва молия вазири Ллойд Бентсен етти мамлакат вазирлари билан учрашиш учун Токиога жўнаб кетди. Учрашувда Россияга ёрдам бериш масалалари муҳокама қилинади.

● **ОЗАРБАЙЖОН** вице-президенти П. Хусайнов Теҳронга ташриф буюрди. Икки кунлик ташриф давомида Тоғли Қорабоғдаги вазият ва икки томонлама муносабатни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади.

● **БАНГЛАДЕШ** пойтахти — Дакка шаҳрида Жанубий Осиё минтақа ҳамкорлиги уюшмасига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув баёномасида 2.000 йилгача Жанубий Осиёда камбағалликни тугаллаш мақсади белгиланди.

● **РОССИЯДА** 25 апрель куни ўтказилмоқчи бўлган референдум шак-шубҳасиз ғолибларни аниқлаб бера олмайди. Америкодаги энг катта Ассошиэйтед Пресс ахборот маҳкамасининг телефон орқали ўтказган сўрови натижалари шуни кўрсатди.

Якшанба куни эълон қилинган сўров натижаларига қараганда, Россия президенти Москвада ва Санкт-Петербургда, ўзи туғилиб ўсган Уралда ва Россия шимолидаги Воркута кўмир ҳавзасидагина обрўли бўлиб турибди.

736312 | 8
72
92039
16
16
031
24
72
72
0

«Туркистон»га жавоб берадилар

«ДАРДИМНИ СИЗГА ТЎКДИМ»

(1992 ЙИЛ, 12 ОКТЯБРЬ)

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақоладаги далилларни текшириб, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун Жиззах вилояти прокурорига юборгандик. Яқинда ушбу мақолага Жиззах вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси М. Наимов имзоси билан жавоб хати олдик. Унда шундай дейилган:

«Туркистон» газетасининг 1992 йил 12 октябрь сонида чоп этилган «Дардимни сизга тўкдим» сарлавҳаси остида берилган мақоладаги далиллар вилоят прокуратураси томонидан текшириб чиқилди. Зомин тумани халқ судининг 1992 йил 1-декабрь ҳукми билан Умарқул Эрматов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 88-моддаси «В» банди билан айбдор деб топилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этишликка, Маматқул Холмуродов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган. Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан «Амнистия» тўғрисидаги 1992 йил 28 август кундаги фармоннинг 2-моддасига асосан жазодан озод қилишликка, мансабдор вазифада 3 йилгача ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этишликка ҳукм этилган.

Ушбу жиноят иши юзасидан ҳимоячи сифатида иштирок этган Жалоловнинг 1992 йил 9-декабрь куни халқ судининг ҳукмидан нозори бўлиб кассация шикояти ёзганлиги муносабати билан жиноят иши Зомин тумани халқ суди томонидан Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясида кўришлик учун юборишга тайёрланмоқда. Шунинг учун халқ судининг У. Эрматов, М. Холмуродовларга нисбатан чиқарган ҳукмини қонунийлигига вилоят судининг жиноят ишлар бўйича судлов коллегиясида кўрилишида баҳо берилади».

БУ ЕРДА ЛОҚАЙДЛАР ЙЎҚ

1992 — 1993 ўқув йилининг тугалланишига ҳам оз фурсат қолди. Ҳали замон имтиҳонлардан «эсон-омон» ўтиб олган ўқувчилар ўзларини таътил бағрига урадилар. Лекин Андижондаги бир мактабнинг ўқувчилари хаёлидан «мактабдан қутилганимга шукр» деган гап ўтмаса керак. Чунки Чкалов номидаги 5-сон мактаб энг замонавий бўлиб, дарслар қизиқарли ўтилади.

Мактабда 1800 нафар ўғил-қизга 118 ўқитувчи сабоқ беради.

Ҳозир ҳамма жойда ҳам замоннинг энг сўнгги техник мўъжизалари билан таъминланган мактабларни учратиш қийин. Ҳатто кўпчилик кўргазма қилишига ўрганиб қолган — пойтахт мактаблари ҳам бу жиҳатдан мақтангудек эмас. Андижоннинг 5-мактаби эса бу борада ҳам намунали. Унда 2 та компьютер ва информатика, 3 та лингофон, кимё ва физика фанларидан махсус синфлар мавжуд. Улар барча зарур техник воситалар билан жиҳозланган.

Ушбу илм даргоҳининг ўқувчилари немис, араб ҳамда рус тилларини қунт билан ўрганишмоқда. Шунингдек, мактабда — автоиш, наққошлик, бичиш-тикиш, машинкада ёзиш, чилангарлик каби марказлар мунтазам ишлаб туради. Хуллас, илм маскани раҳбарияти, ўқитувчилар жамоаси ўғил-қизларни зериктирмасликка, илмларини янада пухталаштиришга жиддий бел боғлаганлар. Шунданда қош қорайгунча бу ерда болаларнинг овози тинмайди.

Ушбу суратларда сиз Андижон шаҳридаги 5-сон ўрта мактаб ҳаётидан лавҳалар кўриб турибсиз.

Суратлар ва матн муаллифи

Аъзамжон МИРЗАЖОНОВ.
«Туркистон» мухбири.





Маънавиятимиз қашшоқлашмасин

Илгари пойтахтимизнинг Эски Жува бозори ёнида жойлашган «Турон» Тошкент вилояти кутубхонасига келсам, навбатда туриб китоб олардим, ўтиргани жой қидирар эдим. Ҳозир эса кутубхонанинг ўқув зали бўм-бўш, атиги беш-олти одам газета-журнал варақламоқда.

Ҳа, кутубхоналарда мутолаа қилувчилар кун сайин камайиб бормоқда. Бунинг сабаби кутубхона ишининг ёмон ташкил этилганидами ёки турмуш ташвишларига тобора кўпроқ кўмилиб қолаётганимиздами?

Кутубхонанинг кўриниши ҳам кўнгилни хира қилади. Зиё маскани мудири Талъат Каримов билан суҳбатлашсангиз, беихтиёр ташвишига шерик бўласиз, ўйланиб қоласиз. Таъмир учун бир миллион сўм пулни қаердан олсин? Янги бино қуришни эса хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

— Бизда фақат ўз касбининг фидойиларигина ишлаб турибди, — дейди у. — Кўплар кетиб қолди, нарх-наво борган сари осмонга сакраб турган ҳозирги маҳалда биринчи даражали кутубхоначининг ойлик маоши атиги 4 минг 500 сўм бўлса...

1918 йилдан бери халққа хизмат қилиб келаётган, 300 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга, 54 номда газета, 247 номда журнал олиб турган кутубхона бугунги кунда ачинарли аҳволда. Шулар тўғрисида ўйлар эканман, бошқа кутубхоналар фаолияти билан ҳам танишиш истаги туғилди.

Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада аҳвол бирмунча яхши. Зиё маскани китобхонлар билан гавжум. Мутолаа учун энг зарур шарт-шароит яратилган. Лекин, кутубхоначиликни ривожлантириш тўғрисида гап кетганда, бу ерда ҳам бир талай муаммолар борлиги аён бўлади. Мазкур билим хазинаси ҳозирги кунда йилига 28 давлатдаги 70 дан ортиқ илмий муассаса билан китоб айирбошламоқда. Ҳар йили олинаётган икки мингдан ортиқ китоб ва журнал камлик қилиши шубҳасиз. Кўпроқ олиш учун эса уларга республикамизда чоп этилган китобларни етказиб бериш мушкул. Бир тарафдан нашриётлардаги аҳволнинг оғирлиги, иккинчи тарафдан почта ҳаражатлари кўтарилиб кетгани хайрли ишларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлаётир.

— Янги бино қурилиши ҳақида гапириш ноқулай бўлган, ишлаб турган биномизнинг ижара ҳақи тобора ортиб бораётган, муаммолар эса қалашиб ётган ҳозирги даврда ҳам жамоамиз аъзолари тушкунликка тушгани йўқ, — дейди кутубхона раҳбарининг ўринбосари Каримбек Рустам ўғли Ҳасан. — Вақтни тежаш мақсадида яқин орада компьютерлар хонаси ташкил қилинади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ильгис Зупаров билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди:

— Кутубхоналаримизнинг моддий-техника базаси кўнгилдагидек эмаслигини тан оламиз, — деди суҳбатдошим. — Кутубхоналарга хос мебель, болалар кутубхоналари учун кичик стол-стул ва бошқа жиҳозлар чиқарадиган махсус корхоналар йўқ, ўзбек тилидаги адабиётлар етишмайди.

Финляндия, Германия, Япония ва бошқа тараққий этган мамлакатларда кутубхоналардаги барча ишлар автоматлаштирилган. Уларга буюртма тушгач, ўзида йўқ бўлган китобни ҳам бир ҳафта муддат ичида чет давлатдан бўлса-да, топиб бера олади. Биз ҳам ана шундай кутубхоналаримиз бўлишини орзу қиламиз.

Хуллас, ким билан гаплашманг, ҳамма етишмовчилик хусусида сўзлайди. Ишлаш учун эса маблағ керак. Мустақил давлатимиз маълум бир муддатда иқтисодиётини тиклаб олишига ишонамиз, турмуш ҳам аста-секин изга тушиб кетар, аммо қашшоқлашган маънавиятимизни қандай қилиб, қачон тиклаб оламиз? Бу йўқотиш Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун қимматга тушмасмикан?

Салима ҚИЛИЧЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Келгуси сонда:

- ● БОШИМДА КЎТАРИБ ЯШАЙМАН
- ● ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ БАЙРАМ ҚИЛСИН

Газета саҳифаланаётганда

ТАҚИНЧОҚҚА УЧ ҚОТИЛ

Бухорода ташландиқ жойлардан аёл киши жасади бўлаклари топилибди, деган миш-мишлар пайдо бўлди. ЎзА мухбири И. Сафаров шу муносабат билан шаҳар тўқимачилик тумани прокурори Алишер Тошевга мурожаат этди.

— Бу миш-мишларда жон бор, — деди у. — Ҳақиқатан ҳам шундай воқеа содир бўлган. Воқеани тилга олганда, беихтиёр баданга титроқ туради, кўзда ёш айланади. Наҳотки, инсон боласи шу қадар ваҳшийлашса, дея ўйга толасан.

Мурдаси бурдаланган фуқаро шахси аниқланди. У тўрт норасиданинг онаси, 37 ёшли Самия Ҳусенова экан. Қотиллик юзасидан тезкор қидирув ишлари ўтказилиб, Р. Ш. исмли шахсни қўлга олдик. Дастлабки терговдан маълум бўлишича, қотил Самияхоннинг қимматбаҳо тақинчоқларини қўлга киритиш мақсадида уни ўлдирган, жиноят изларини яшириш учун аёл жасадини бўлакларга бўлиб, шаҳарнинг хилват кўчаларидаги ахлатхоналарга ташлаган. Энди қонхўр жиноятчи суд олдида жавоб бериб, қилмишига яраша жазоланади.

— Баҳор яхши келди. Худо хоҳласа куз ҳам тўкин бўлади, — дейди боболар.

Р. АКБАРАЛИЕВ суратэтюди.

ХЎЖАЛИК МУЛКИГА АЙЛАНДИ

Ангор тумани марказидаги умумий овқатланиш корхонасига қарашли «Ойбарчин» ошхонаси ёнидаги чойхона билан бирга «Мустақиллик» жамоа хўжалигининг мулки бўлиб қолди.

— Мулкни хусусийлаштириш қонунига асосан уларни сотиб олдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Тўра Массиев. — Бундан катта моддий манфаат кўриш мўлжалланмоқда. Чунки ошхонага кераклик масаллиқлар хўжалигимизнинг ўзида етиштирилади. Қолаверса, ошхона жамоасига сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиб берамиз.

Катта анҳор ёқасида шарқона усулда қурилган «Ойбарчин» энди хўрандаларнинг севимли масканига айланиши муқаррар.

Шеърият

Тўлқин

ҚОЛУР

Яхшилардан яхши кунга
Ишонч қолур, сабр қолур.
Авлодлардан авлодларга
Инсоф билан қадр қолур.
Ким ҳар ишни ақл билан
Адо этса хор бўлмағай.
Элни севар одамлардан
Тадбиркорлик, таъбир қолур.
Келаверар, кетаверар
Бу дунёга сонсиз одам.
Лек боғ қолур, тик тоғ
қолур,
Чўнг Саҳройи Кабир қолур.
Тарих сўйлар, бу дунёга
Кўплар келиб-кетаверган,
Кимлардандир кўз-ёш билан
Азоб қолур, жабр қолур.
Сен ҳам кетиб, мен ҳам
кетиб,
Дунё қолур ўша-ўша.
Яхшидан ҳам, ёмондан ҳам
Фақат бир хил қабр қолур.
Қанча шоҳлар келиб кетди,
Энди билсам, биздан сўнг
ҳам —
Осмон қолур, замин қолур,
Дала қолур, адир қолур.
Тўлқин айтур: — шоир аҳли
Ёмонликни тиламас ҳеч,
Ундан шеъру ва бир қўшиқ,
Чалай десанг — танбур
қолур.

Анвар САЙРАМИЙ

Во ажаб, ошифта қалбим, бўлди матно ҳуснидан.
Дилбара маълум эмаским, тушди савдо ҳуснидан.
Сийнама такрор ва такрор санчадур ўтлуғ нигоҳ,
Ул нигор сезгайму дўстлар, солди ғавғо ҳуснидан.
Кокилин олиб илкима, кўзима суртсам агар,
Оташин қалбим йўлига ришта барпо ҳуснидан.
Дурафшон юзига минг бор термулиб олгум ҳузур,
Маҳзуни Анварки ҳатто топди рўшно ҳуснидан.

ФАРДЛАР

Бахтингни амалда кўрмагил асло,
Мансаб гар кетаркан қолмас ҳеч вақо.

* * *

Яна мен, заргарга бордим бир маҳал,
Тутқазди қўлга зеб, фикримга касал.

* * *

Эй инсон имонинг соф тут дамо-дам,
Билгинким якунда. Вақт олий ҳакам.

* * *

Ким ошно бўларкан донолар билан,
Демакким ,қошида нодонлар тубан.

* * *

Меҳнат-ла гўзалдир бу ёруғ жаҳон,
Ақл ила мўъжиза яратур инсон.

САРКАРДА СОВРИНИ

Узоқ йиллардан буён Хоразмда машҳур паҳлавон ва нозиктаъб шоир Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича мусобақалар ўтказилиб келинарди. Наврўзи олам кунларида эса янада хайрли бир ишга қўл урилди — миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли намоёндаларидан бири, моҳир саркарда Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишлаб Урганчда самбо ва миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

«Динамо» спорт майдонида уч кун давом этган беллашувларда давлатимизнинг бир қатор вилоятларидан ва қўшни давлатлардан ҳам полвонлар бел олишдилар. Аммо, меҳмонларнинг сафи озроқ келдими, мезбонларнинг бели бақувватми... Ўн вазн тоифасидаги олишувларнинг тўққизтасида хоразмлик полвонлар ғолиб чиқдилар. Фақат 90 килограммгача бўлган вазнда самарқандлик Ўткир полвон Ғуломов шоҳсупага кўтарилди.

Курашнинг мутлақ биринчилик учун олишувларида қизиқ ҳолатлар қайд қилинди. Совринлар салмоқлилиги ва курашиш иштиёқининг кучлилигидан ҳатто айрим беллашувларда майдонга юз килограммлик полвонга қарши олтмиш саккиз килограммлик полвон чиқди. Айрим ҳолларда кураш тақдирини вазн эмас, маҳорат ва куч ҳал қилди.

Ш. Машарипов, А. Йўлдошев, М. Отажонов, Н. Солиев, Ш. Абдуллаев, Р. Маткаримов каби полвонларнинг маҳоратига томошабинлар тан бердилар.

Милиция ходими, самбо ва миллий кураш бўйича спорт устаси, давлатимизнинг бир неча бор чемпиони Даврон полвон Қаландаров эса мусобақаларнинг энг чапдаст, кучли полвони деб тан олинди.

Уч кунлик мусобақаларнинг ўзи бўлмади. Бу борада ҳомийлик қўлини чўзган «Хоразмавтотранс» бошқармаси (раҳбари Р. Машарипов) айниқса саховат кўрсатди — 400 минг сўм пул ажратди. Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номли жамоа хўжалиги эса бош соврин учун бир ҳўкиз ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Халқаро мусобақанинг айрим камчиликлари бўлгандир. Ҳозир гап бу ҳақда эмас. Мустақилликнинг дастлабки одимларини қўяётган давлатимиз ва жойлардаги ҳокимликларнинг миллий курашга бераётган эътибори таҳсинга лойиқ.

(Ўз мухбиримиз).

Санъат

ЧАВАНДОЗНИНГ ҲОФИЗ БОЛАСИ

ҚЎШИҚ ДОВУШНИНГ гоҳ қуйи, гоҳ юқори пардалари бўйлаб парвоз этади. Ўт эди, аланга эди бу қўшиқ. Унинг оташ тафтига биз — бир қур даврадошлар жимгина дилларимизни тобладик. Узун, шикаста, чуқур, айни пайтда ўта ширали бу овоз кўксимизда унут бўлаёзган изтиробу, қувонч туйғуларини қайта уйғотди.

Шу дамда бизни, борлиқни, жону-жаҳонини унутиб, ўт бўлиб, уммон бўлиб куйлаётган ҳофиз томонга кўз қиримни ташлайман. Ва бир неча дақиқа аввал хаёлимдан ўтган бир фикр учун хижолат чекаман. Баъзан инсоннинг овози қиёфасига нисбатан бир неча чандон катта ва салобатли бўлиши мумкин экан. Содда, қишлоқи йигит овозига жо бўлган оламий дард, оламий сурур беихтиёр мени ҳайратга солди.

Тўғриси, тенгқур юртдошларимдан Қашқадарёдан Жўрахон Шарипов деган зўр ҳофиз чиққанлиги, унинг хонишлари овоз кучайтиргичларсиз ҳам бир қишлоқ, ярим қишлоқ одам тўпланган тўй-маъракаларга жон бағишлаётганлиги ҳақидаги хушхабарни анча йиллар олдин эшитгандим. Лекин довруғи қадим воҳа сарҳадларидан ошган ҳофизнинг ўзини пойтахтнинг муҳташам санъат саройларида сира учратмадим. Бўлмаса, бу орада «Камолот», «Марҳабо талантлар» сингари озмунча кўрик-танловлар ўтказилмадими, дейсиз. Қанчадан-қанча лаҳзалик «Юлдуз»лар кашф этилди ва унутилди. Ҳамюртларим эса ҳали-ҳануз санъат ҳақида гап кетса, бир сўзни такрорлашади: «Жўрахон аканинг ҳонишлари...»

Жўрахон ака камгап, камсуқум одам экан. Савол берсангиз, иложи борича қисқа жавоб қайтаришга ҳаракат қилади. Узоқ гапириб, одамларни оғзига қаратиб, мақтал қилиб қўйишни ёқтирмайди. «Нега бошқалардек машҳурлик учун куйиб-пишмайсиз?», деган саволимга ҳам аввал кулиб қўйди. Сўнг: «Э, қишлоқ шароитини биласиз-ку. Шаҳарма-шаҳар юриб, қўшиқлар ёздиришга фурсат қаёқда. Қолаверса, бундан кўп афсус ҳам қилмайман. Мингта эмас, битта одам бўлсаям, қўшиқларимни юракдан ҳис қилиб тингласа, унда ўз қайғусини, шодлигини кўрса, шунинг ўзи кифоя. Бир кун келиб мендан шон-шуҳрат эмас, куй-қўшиқ қолишини истайман», деди. Асосан мумтоз ижрочилик йўлидан бораётганлигини, «Сувора», «Савту сувора», «Фeруз», «Муножот», «Самарқанд ушшоғи» сингари баётларни мақомига етказиб куйлаётганини эса айтмади. Кўп нарсани айтмади шу пайтда. У Касби тумани маданият уйи қошида тузилган «Гулшан» дастасининг бадиий раҳбари эканлигини ҳам, ҳали ўзи ёш бўлишига қарамай, устоз сифатида унча-мунча танилиб қолганини ҳам кейинроқ сўраб-суриштириб билиб олдик.

Худо суйган бандаларидан марҳаматини аямас экан. Жўрахон аканинг оталари Қувват бобони (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) зўр чавандоз деб таниганлар бу оиладан санъаткор чиққанида ҳайрон қолишганди. Баъзан Қувват бобонинг ўзи ҳам ўғлидаги қизиқишни кўриб, кампири Саломат момога «Ўлинг билмадим кимга тортди, энаси», деб фахрланиб қўяркан.

Жўрахон ака устози, туман болалар мусиқа мактаби муаллими Хосиятқул Дилоевдан кўп миннатдор бўлиб гапиради. Шу киши бўлмаганида, мендаги санъатга нисбатан ҳавас ҳаваслигича қолиб кетармиди, дейди. Бир-икки йил шу соҳанинг тупроғини ялагач, ҳақиқий санъат қандай бўлишини англаб етди. Илк бор Тожиддин Муродовнинг қўшиқларини ўзгача бир ҳайрат билан тинглади. Отажон Худойшукуров ашулаларидан айтиб юрди. Ўз йўлини излади. Бу йўл бошқаларникига ўхшамайдиган бўлади, деб қаттиқ ишонди. Ва ниҳоят узоқ изланишлардан сўнг у орзиқиб кутган кунлар келди.

Ҳар кишининг дарди бўлса,
дийдасидан нам келур,
Кимки бундан шодлик истар,
орқасидан ғам келур.

У кўпроқ оғир қўшиқларга мурожаат қилди. Гўё ёлғиз ғазал, муҳаммас, мустазодларгина унинг имконият қирраларини очадигандек. Йўқ, янглишмаган экан. Навойи, Бобур, Огаҳий, Фузулий, Машраб, Маҳтумқули каби улуғларга юкуниб, кам бўлмади. Бугун эса маза-матрасиз, сийқа сўзларга куй басталаб айтиб юрганларни кўриб, фиғони фалакка чиқади. Бу хонандалар сўз салмоғини ҳис эта билмаслигидан эзилади. На илож? Биров-бировга қулоқ соладиган замон эмас. Ўз устида янада қаттиқроқ ишлади. Шоир Исмоил Тўхтамишев билан соатлаб шеър, ғазал ҳақида баҳслашиб чарчамайди. Мусиқа танлашда эса шогирди, ҳам созандачиси Суннат Исомов ҳар доим ҳамкор ва ҳамфикр.

Кўп гувоҳи бўлганмиз. Яхшигина ҳофизлар ҳам кетма-кет уч-тўртта қўшиқ айтганидан кейин овози аллақандай хиралашиб қолади. Жўрахон акада эса аксинча. Қанча кўп ашула айтса, товуши шунчалик тиниқлашиб, очилиб боради. Бепоёнликка чиққан овоз бора-бора шакл-шамойил топа бошлайди.

Элнинг куйинчак шоири Икром Отамурод Жўрахон ҳофиз ҳақида сўз очилганда, чиройлик бир гап айтганди: **«Мен ҳар гал Касбига борганимда Жўрахоннинг қўшиқларини бир бора эшитмасдан қайтмайман. Чунки унинг товушида катта бир кенгликни, бугун биз тасаввур этолмайдиган, табиат бағридан аёвсиз сидириб ташланган кенгликни кўраман. Унда олис садолар, отлар дупури юракдек безовта уриб туради»**, деб.

ҲОФИЗ ҲАҚИДА яна кўп ёзиш мумкин. Ёзган билан сўз адо бўлмайди. Бизнингча, энг мукаммал таъриф — бу унинг қўшиқлари. Ниятимиз: ҳар бир ўзбек хонадонига энди Жўрахон аканинг овозаси эмас, балки унинг дил ўртагувчи, дилбар қўшиқларининг ўзи кириб борсин! Иншоолло...

Сирожиддин РАУФ,
«Туркистон» мухбири.
Муҳаммад АМИН сурати.

УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1993 йил 14 апрелда

Вазирлик тасарруфидаги санъат ва маданият олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талаба-ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари иштирокида

НАВРУЗ БАЙРАМИ ДОИРАСИДА

«ИСТИҚЛОЛ ЖИЛОЛАРИ»

йиғма концертини намойиш этади

ДАСТУРДА:

Халқ куй ва қўшиқлари, дилрабо рақслар, ўзбек ва хорижий мамлакатлар бастакорларининг асарлари ва бадиий кўргазма.

Саҳналаштирувчи режиссёр — **Оқил УЗОҚОВ.**

Мусиқа раҳбари — **Карим АЗИМОВ.**

Бадиий кўргазма — соат 15.00 да, концерт — соат 16.00 да бошланади.

Чипталар Санъат саройи кассаларида сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-04-44, 44-22-61.

THE FREEDOM SUPPORT ACT GRADUATE FELLOWSHIP PROGRAM OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the American Embassies announce the Freedom Support Act (FSA) Graduate Fellowship Program, which will provide:

115 Fellowships, one year or two years in length, for graduate study in the USA, some of which may lead to a degree or certificate from a U.S. institution.

Fields:

Education Administration	Public Policy
Business Administration	Economics
Law	Public Administration

Competition for the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is merit-based and open. Anyone meeting the criteria below is eligible to apply. Individuals who applied for the 1993 Edmund S. Muskie Fellowship Program or the 1992 Benjamin Franklin Fellowship Program will automatically be considered for the Freedom Support Program and do not need to submit an FSA application.

Applicants must be:

Citizens of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Moldova, Russian, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine, or Uzbekistan

Lacking funding for study in the United States

Under the age of forty (40)

Holders of an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing

Proficient in written and spoken English at the time of application

Able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization

Able to begin study in the United States in August 1993.

Participation in the FSA Graduate Fellowship Program is contingent upon the ability to receive and maintain a U.S. visa.

Spouses of U.S. citizens, individuals currently enrolled academic programs in the U.S., persons residing, working, or earning a living in the United States, or individuals who have applied for an immigrant visa or political asylum to any country are not eligible.

The Freedom Support Act Graduate Fellowship Program does not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the FSA Graduate Fellowship Program is provided by the United States Information Agency.

The program is administered by:

American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS)

International Research & Exchange Board (IREX)

Soros Foundation

Further information and applications are available from the following office:

FSA Fellowship Program
Ul. Furkat 1
5th floor, room 7
700027 Tashkent, Uzbekistan
Telephone: 45-23-48

Completed applications for the 1993 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program must be received by the above office by May 10, 1993.

УНУТМАНГ:

Реклама учун сарфланган 1 сўмингиз камида 1000 сўм бўлиб қайтади.

«ТУРКИСТОН» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ—ҚАМ БУЛМАЙСИЗ!

Маълумот учун телефонлар: 32-58-48 32-56-57.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. — 21.00.